



“NAVOIYURAN”
Davlat korxonasi

“NAVOIYURAN”
State Company

210100, O'zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy shahar, Inspektorlar ko'chasi, 7-uy

20 22 yil “15” fevral № 53

BUYRUQ

“Навоийуран” ДКнинг харид комиссияси ва давлат харидлари иштирокчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг ижросини таъминлаш, харидлар жараёнини очик ва шаффоф ташкил этиш ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида

БУЮРАМАН:

1. “Навоийуран” давлат корхонасида харид комиссияси ва давлат харидлари иштирокчиларининг **одоб-ахлоқ қоидалари** иловага мувофиқ **тасдиқлансин.**

2. Буйруқ имзоланган кундан эътиборан кучга киритилсин.

3. “Навоийуран” ДК харид комиссияси ва давлат харидлари иштирокчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда корхонанинг расмий веб-сайтига жойлаштириш бўйича масъул этиб бош директорнинг тижорат масалалари бўйича ўринбосари Л.А. Хамидов ва ахборот технологиялари ва рақамлаштириш бўйича директори И.К. Халиков зиммаларига юклансин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

Ж.Т. Хасанов

“Навоийуран” ДКнинг
2022 йил 15 февралдаги
53-сон буйруғига
илова

**“НАВОИЙУРАН” ДАВЛАТ КОРХОНАСИДА ХАРИД КОМИССИЯСИ
ВА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ
ҚОИДАЛАРИ**

Навоий – 2022 йил

I. Умумий қоидалар.

II. Давлат харидларида одоб-ахлоқ қоидаларининг асосий тамойиллари ва қоидалари.

III. Манфаатлар тўқнашуви.

IV. Давлат харидларида одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.

V. Яқуний қоидалар.

I-БЎЛИМ.

Умумий қоидалар.

1. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон “Шартномавий муносабатларни тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ товарлар, ишлар ва хизматларнинг давлат харидларини амалға оширишда “Навоийуран” давлат корхонасида харид комиссияси ва давлат харидлари иштирокчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларининг (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) умумий тўпламини ўзида акс эттиради.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари “Навоийуран” давлат корхонаси ходимларини давлат харидларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва чек қўйиш, уларни содир этишға сабаб ва шароитларни бартараф этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларға, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя этиш руҳида тарбиялашға қаратилган.

3. “Навоийуран” ДК эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар давлат харидида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилади.

4. Давлат харидлари фаолиятини амалға ошириш учун “Навоийуран” давлат корхонасининг товарлар, ишлар ва хизматларға бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўлиқ қондириш, адолатли рақобатни ривожлантириш, харидларнинг шаффофлигини таъминлаш, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун шароит яратилади.

5. “Навоийуран” давлат корхонасига ишға қабул қилинаётган шахслар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо остида таништирилади.

II-БЎЛИМ.

Давлат харидларида одоб-ахлоқ қоидалари ва асосий тамойиллари.

6. “Навоийуран” ДК харид фаолиятида қуйидаги асосий тамойилларға риоя қилинган ҳолда амалға оширади:

- қонунийлик;
- ватанпарварлик ва хизмат бурчига садоқат;
- “Навоийуран” ДК манфаатларига содиқлик;
- молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
- харидларнинг ахборот очиқлиги ва шаффофлиги;
- харид иштирокчиларига нисбатан тенглик, адолатлилик, камситмаслик ва рақобатнинг асоссиз чекловларига йўл қўймаслик;

- “Навоийуран” ДК ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш учун маблағларни мақсадли ва тежамли сарфлаш, харажатларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- коррупция ва бошқа суиистеъмолларнинг олдини олиш.

7. Одоб-ахлоқ қоидаларининг 6-бандда белгиланган асосий тамойиллардан келиб чиқиб, давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган “Навоийуран” давлат корхонасининг ходимлари:

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга, шунингдек “Навоийуран” ДК эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш тартибини тартибга солувчи Одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш;

- босим ўтказмаслик ва бирон-бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотга устунлик кўрсатмаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш ва камситишга йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришига шубҳа туғдирадиган хатти-ҳаракатлардан шунингдек, “Навоийуран” давлат корхонасининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган низоли вазиятлардан сақланиш;

- “Навоийуран” ДК фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун хизмат мавқеидан фойдаланмаслик;

- коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиш;

- “Навоийуран” ДК раҳбарига ва бевосита раҳбар (бошлик)га, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига, ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида шунингдек, “Навоийуран” ДК хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши;

- касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўриш, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар;

- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирларни кўриш талаб этилади.

III-БЎЛИМ.

Манфаатлар тўқнашуви.

8. “Навоийуран” ДК ходимлари давлат харидлари жараёнида ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

9. “Навоийуран” ДКнинг давлат харидлари фаолияти билан шуғулланадиган ходимлар хизмат вазифаларни бажариш пайтида олинган тижорат сирига риоя қилишлари ва учинчи шахсларга, шу жумладан ҳамкасбларига ва қариндошларига, махфий маълумотларни ошкор қилмасликлари шарт.

10. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда “Навоийуран” ДК ходимлари ўз раҳбари (бошлиқ)ни дарҳол хабардор қилиши керак.

11. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган “Навоийуран” ДК раҳбари (бошлиқ) уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

IV-БЎЛИМ.

Давлат харидларида одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.

12. “Навоийуран” ДК давлат харидлари ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида ва “Навоийуран” ДКда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

13. “Навоийуран” ДК ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

14. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш корхона раҳбари ва “Навоийуран” ДКнинг товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш бўйича харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Харид комиссияси ишининг асосий мақсади корхона ишлаб чиқариш жараёнининг инобатга олган ҳолда давлат харидларининг рақобатбардош усуллари бўйича ғолибни танлаш даражасига кўра иштирокчиларнинг таклифларини объектив баҳолайди.

15. Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат коллегиял органдир. Харид комиссияси аъзолари ҳолис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибни танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

V-БЎЛИМ.

Якуний қоидалар.

16. Мазкур Одоб-ахлоқ қоида талабларини бузган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

17. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларда назарда тутилмаган бандлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.